



## ШАХСНИНГ ҲАЁТИ ВА СОҒЛИҒИГА ҚАРШИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

*М.Р.Хурсандбоева*

*ИИВ Академияси 3-курс курсанти*

Ички ишлар органлари томонидан шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ҳуқуқбузарликларнинг виқтимологик профилактикаси фуқароларнинг ёки муайян шахсларнинг ушбу ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтиришга йўналтирилган, ҳуқуқбузарликларни содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари, уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, шунингдек бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш орқали жабрланиш хавфини камайтириш, ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериш, огоҳликка, ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизликни таъминлаш чоратадбирларини амалга ошириш мақсадида олиб борилади.

Шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ҳуқуқбузарликлардан виқтимлик ҳолатини келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда зарур бўлган ҳуқуқий асосларни яратиш катта аҳамиятга эга. Шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ҳуқуқбузарликларнинг виқтимологик профилактикаси, уни ташкил этиш тартиби бир қатор қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинган бўлиб, уларни бир нечта гуруҳларга жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, фармойиш ва қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ИИВнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Албатта бу борада бир қатор чет-эл давлатларида амалга оширилаётган тажрибаларга таяниш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизда содир этиладиган жиноятларнинг асосий қисмини тан жароҳатларини етказиш жиноятлари ташкил этмокда. Тадқиқотлардан яна шу ҳолат маълум бўлдики, жабрланувчиларга етказилаётган тан жароҳатлари енгил ва соғлиғининг қисман бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар – 38%, ўртача – 29%, оғир ҳолатлари – 21%ни ташкил этган бўлса, фақат 12% ҳолатда енгил тан жароҳати соғлиғини бузмаган ҳолда содир этилган. Бироқ ҳозирги кунда асосан ўртача оғирликдаги ва оғир тан жароҳатларининг ошганлиги кузатилмокда. Шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар таҳлил қилинганда ушбу жиноятлардан жабрланувчилари кўпроқ эркак жинсидаги шахслар эканлиги аниқланди. Шунингдек, таҳлил этилган жинсий ишлардан маълум бўлишича, умумий миқдордаги жиноятларнинг 64% да эркаклар ва 36% да аёллар жабрланиб қолиш билан боғлиқ вазиятларнинг келиб чиқишига



сабабчи бўлганлар. Эркакларнинг жиноятларни содир этиши оқибатида жиноий жавобгарликка тортилганлар ўртасида жабрланганларнинг 16%ни аёллар ва 84%ни эркаклар ташкил этган. Шу каби жиноятларни аёллар содир этганида аёл жабрланувчилар 20%ни ва эркак жабрланувчилар 80%ни ташкил этган.

Шахснинг ҳаёти ва соғлигига қарши жиноятларидаги виктимлик аниқ ва равшан намоён бўлади. Ушбу жиноятларни виктимологик таҳлили жабрланувчининг барқарор ҳолати ва динамик ҳолати, унинг психофизик ва ижтимоий сифатлари, демографик тавсифи, шахслар орасидаги статуси(жамиятдаги ўрни), у билан содир этилган жиноий воқелик, унинг жиноят содир этилишидан олдин ва бевосита жиноят содир этилаётган пайтдаги ўзини тутиши орасидаги боғлиқлик ҳақида тасаввурни яратишга имкон беради.

Шахснинг ҳаёти ва соғлигига қарши жиноятлардан жабрланган шахсларнинг виктимологик тавсифи шуни кўрсатадики, нотаниш кишилардан жабрланганлар 16,8%, эр-хотинлар 9,1%, бирга яшовчи 6,9%, қариндошлар 9,0%, қўшнилар 5,8%, ҳамкасблар 7,9%, бошқа танишлар 44, 5%ни ташкил этади.

Шахслар муайян тоифасининг вакиллари жиноятдан жабрланиш эҳтимоли содир этилаётган жиноят турига қараб ҳар хил бўлади. Масалан, безориликдан жабрланувчи шахс номусга тегишдан жабрланувчиларга қараганда кўпроқ даражада тасодифий бўлади. Айни вақтда, фирибгарликдан жабрланувчилар тан жарохатидан жабрланувчиларга қараганда камроқ даражада тасодифийдир. Тасодифийлик омили жиноят содир этиш усулига, жиноятчининг «профессионал» тайёргарлигига ва бошқа ҳолатларга қараб намоён бўлади.

Шахслар муайян тоифасининг вакиллари жиноятдан жабрланиш эҳтимоли содир этилаётган жиноят турига қараб ҳар хил бўлади. Масалан, безориликдан жабрланувчи шахс номусга тегишдан жабрланувчиларга қараганда кўпроқ даражада тасодифий бўлади. Айни вақтда, фирибгарликдан жабрланувчилар тан жарохатидан жабрланувчиларга қараганда камроқ даражада тасодифийдир. Тасодифийлик омили жиноят содир этиш усулига, жиноятчининг «профессионал» тайёргарлигига ва бошқа ҳолатларга қараб намоён бўлади. Кўриб турганингиздек содир этилаётган жиноятларнинг аксариятини шахснинг ҳаёти ва соғлигига қарши жиноятлар ташкил этмоқда. Ўйлайманки шахснинг ҳаёти ва соғлигига қарши жиноятларнинг барвақт профилактикаси ушбу жиноятларнинг келиб чиқишини кескин камайтиради.